

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

264 Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига ўзгартириш кириши ҳақида

Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-илованинг 19-бандига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 12 июнь,
170-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 12 июндаги 170-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг
бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни
тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил
2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-иловага киритилаётган
ўзгартириш**

Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 19-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Т/р	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар миқдори (фоизларда)
19.	Давлат захираларини бошқариш қўмитаси	Масъул сақловчилардан давлат захиралари билан ишлаш тартибини бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириладиган жарималар ва пенялар суммаси	100
		Давлат захираси моддий бойликларини қарзга олишда, шунингдек «Ўздавзахира» қўмитаси томонидан маҳсулотларни янгилаш тартибида (шу жумладан вақти-вақти билан) сотишда ундириладиган қўшимча тўлов**	40

* Давлат захирасининг маҳсулотлари ва товарлари учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (Адлия вазирлигида 1997 йил 2 апрелда 319-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 29, 30, 33, 35, 36, 37-бандларида белгиланган.

** Давлат захирасининг маҳсулотлари ва товарлари учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (Адлия вазирлигида 1997 йил 2 апрелда 319-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 15-бандида белгиланган.